



14.09.2018



Жанабай САДЫКОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири:

— ОДАМЛАР ахборотга муҳтож бўлганда ОАВга мурожаат қилади. Негадир ноҳақликка учраганда ҳам давлат органларига эмас, кўпроқ матбуот эшиклари сари боради. Ҳуқуқлари тикланганда ҳам газета саҳифаларида ўз миннатдорлигини билдиргиси келади. Демак, инсонлар ОАВга — матбуотга ишонади. Албатта, ОАВнинг жавобгарликка тортиш функцияси йўқ. Лекин у жамоатчилик эътиборини мазкур муаммога қарата олади. Хуллас, матбуот жамият кўзгуси, десам янглишмайман. Унда ёритилган ҳар бир сатр тарихга муҳрланади. Телевидение, радио ва интернет нашрларидан фарқли равишда матбуотда ёритилган ҳар бир мавзу, айtilган ҳар бир сўзга такрор-такрор мурожаат қилсак, қайта-қайта ўқисак ва неча йиллар ўтса-да, қайта мурожаат қилсак бўлади. “Инсон ва қонун” газетаси ҳам бугунги кунда ўзининг серқирралиги, сермазмунлиги ва тезкорлиги билан бошқа нашрлардан ажралиб туради.

Яхши биламиз, “қонун тили” бироз мураккаб. Уни фуқаролар бир ўқигандаёқ тушуниб кетавермайди. Газета ходимлари одамлар қонун ҳужжатларининг муҳим жиҳатларини, моҳиятини англашида, тушунишида ҳаётий мисоллар, кундалик турмушимиздаги жараёнлар, ҳолатлар орқали оддий, аммо матн мазмунини бойитадиган инфографикалардан фойдаланишга алоҳида аҳамият бермоқда. Соҳа мутахассисларининг шарҳлари эса газетанинг мазмундорлигини оширмоқда.

“Инсон ва қонун” газетаси ҳар бир уйда бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бу билан ҳар бир

фуқаро ўзи учун фақатгина яхши иш қилган бўлади. Яъни, ўз ҳуқуқларини теранроқ англайди. Қонунлар моҳиятидан ўз вақтида хабардор бўлади. Қонунни, ҳуқуқини билган инсон эса ҳеч қачон қоқилмайди.

37 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Кадастр хужжатлари топширилди](#) [3]
- [Имтиёзли кредит асосида уй ажратилди](#) [4]
- [Адолат тамал тоши](#) [5]
- [Адлия вазирлиги биринчи ўринни эгаллади](#) [6]
- [Биз доимо ҳамфикрмиз](#) [7]
- [Бизнинг юзимиз](#) [8]
- [Матбуот — энг зарур эҳтиёж](#) [9]
- [Соҳа ходимларининг яқин кўмакчиси](#) [10]
- [Ҳуқуқий сиёсатнинг ҳақиқий тарғиботчиси](#) [11]
- [Ўрни бўлакча](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4142>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4142>
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4142>
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4169>
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4168>
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4167>
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4166>
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4163>
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4162>
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4161>
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4160>
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4159>
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4158>